

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги
Низомий номли Тошкент Давлат
Педагогика Университети

Чолғучилар ансамбли

Педагогика Олий ўқув юртларининг муסיқа
факультетлари ва муסיқа коллежлари учун
ўқув қўлланма

Тошкент - 2002

Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлараро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиуми (23-сонли баённома, 22.12.2001 й.) томонидан ўқув қўлланма сифатида нашрга тавсия этилган.

Тақризчилар:

- Одилов А. - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор.
- Халилов Ф. - п.ф.н., доцент

Мухаррир:

- Мамиров Қ. - п.ф.н., профессор.

© Низомий номли ТДПУ 2002 йил.

К И Р И Ш

Мустақил диёримизда халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий ғоя ва истиқлол мафқурасини юртимизда яшаётган барча кишиларнинг маънавий бойлигига айлантириш, миллий қадриятларни тиклаш, ва айниқса, ёш авлод тарбиясига алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш устивор вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Ёш авлодни камолот сари етаклашда тарбиянинг кўплаб омиллари қаторида мусиқа алоҳида ўрин тутди. Мусиқа ўзининг бетакрор табиати билан ёшларнинг маънавий дунёсига катта таъсир этиш кучига эга. Зеро куй ва оҳанг таъсирида кишида ҳиссиёт оламининг ўсиши, идрок ва тафаккурнинг шаклланиши, эзгуликка интилиш куртакларини барг ёзиши, гўзалликни севиш, она табиатни асраш, жонажон Ватан равнақи учун хизмат қилиш истагининг тобора ортиб бориши бугунда ҳеч биримиз учун сир эмас.

Донишманд халқимиз азалдан мусиқа ва кўшиқни ўз ижтимоий ва маданий ҳаётларининг муҳим бўлаги деб билган. Оилада фарзандни кўшиқ айтишга, соз чалишга ўргатиш ота-оналарнинг орзуси саналган, шу ният билан хонадонда бирон чолғу соз сақланиши одат қилинган. Куй ва оҳангни бола қалбига тез йўл топа олиши, руҳига ижобий таъсир кўрсатиши, хулқ-одоби ва яхши фазилатларни шаклланиб боришида катта тасир кучига эга бўлиши чуқур англаб етилган.

Ўзбекистоннинг қўлга киритган мустақиллиги халқимизнинг асрий қадриятларини, жумладан, мусиқий қадриятларни ҳам тиклаш ва ривожлантириш учун кенг йўл очиб берди. Санъатимиз катта ривожланиш йўлига кирди. Бугун профессионал ижодий жамоаларда ҳам, санъат билимгоҳларида маданият клублари ва ҳаваскорлик жамоаларида ҳам катта ижодий ишлар қилиняпти. Айниқса, ёшлар орасида халқ кўшиқлари ва куйларини ўрганиш, миллий чолғу созларида чалиш ва ижро маҳоратини эгаллаш истаги ортиб бормоқда.

Республикамиз педагогика олий ўқув юртларининг мусиқа факультетлари ўқув режаларига ҳам мусиқа фанлари доирасини кенгайтириш мақсадида янги фанлар киритилди.

“Чолғучилар ансамбли” фани ана шундай янги фанларнинг биридир.

Бу фаннинг мақсади бўлажак мусиқа ўқитувчиларини чолғу созларида ижро этиш маҳоратларини шакллантириш орқали халқимизнинг бой мусиқа ижодидан баҳраманд этиш, мусиқий ва бадий дидларини ўстириш орқали профессионал коллеж, академ

лицей ва умумтаълим мактабларида шундай ансамбллар ташкил этиш йўлларини ўргатишдан иборатдир.

Мазкур қўланма ана шу фанни мусиқа факультетлари талабаларига ўқитиш мақсадида яратилди.

Қўланма икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм асосан тарихий, назарий тушунчаларни ўз ичига олиб, унда чолғу созларнинг номи, созланиши, диапазони, ижро услублари, товуш чиқариш маданияти, уларни ансамблда тутган ўрни, жамоавий ижро этиш қоидалари ва мусиқа саводхонлигига оид бир қатор маълумотлар берилган.

Иккинчи қисм эса бевосита ижро амалиётига бағишланган. Унда оддийдан мураккаб тамойилига асосланган ўзбек халқ куйлари, ҳамдўстлик халқлари куйларидан намуналар ва Ўзбекистон бастакорларининг ансамбл ҳамда чолғу созларда ижро этишга мўлжалланган бир қанча асарлари ўрин олган.

Ушбу қўланмадан нафақат мусиқа факультетлари талабалари, балки мусиқа коллежлари, лицей ва мактаб ўқитувчилари, тўғарақлар ва мусиқа жамоалари раҳбарлари ҳам кенг фойдаланишлари мумкин.



ЧОЛГУ ИЖРОЧИЛИГИ ТАРИХИДАН

Халқ чолгуларининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Маълумотларга қараганда дастлабки мусиқа чолгулари эрамиздан аввалги XIII минг йилликда дунёга келган деб тахмин қилинади¹.

Тарихий маълумотларга қараганда мусиқачиликда энг дастлаб урма зарбли чолгулар, кейинчалик шовқинли чолгулар (ижрочилар қарсак билан ритми такрорлайдилар ва шовқинли чолгулар таъсирини кучайтирадилар), вақтлар ўтиб эса аста-секин халқ усталари томонидан найсимон хуштаклар, шиқилдоқлар, сурнай ва най (қамиш ва бамбук пояларидан) каби созлар юзага кела бошлаган. Аста-секин торли-мизробли ва торли камончали мусиқа чолгулари пайдо бўлган. Тарихнинг далолат беришича Ўрта аср Шарқ маданияти қучогида шакланган чолгу созлари (най, сурнай, танбур, дутор, рубоб, гижжак, қобузлар) ўтган кўп асрлар давомида ўзларининг товуш туслари ва хусусиятларини йўқотмай бизгача етиб келган.

Ўзбек халқ чолгулари ижрочилигининг шаклланиши ва ривож топиши XIX асрнинг ўрталарига тўғри келади. Шу даврдан бошлаб кўпчиликка танила бошлаган дуторчилар, танбурчилар, доирачилар, найчилар ва сурнайчилар, рубобчи ва гижжакчилар ижод эта бошлаганлиги, халқ ҳаётини турли жабҳаларини тараннум этувчи янги куй ва қўшиқлар пайдо бўлганлиги маълум.

Бу йилларда Қўқон шаҳри, машҳур чолғучилар тўпланган марказга айланган бўлиб, унда ўзбек халқ чолгуларида ижрочилик санъатини эгаллаш бўйича ўзига хос мактаб яратилган. Мақомлар ижросида хонандалар билан бир қаторда таркиби турлича бўлган ўзбек халқ чолгу ансамллари ҳам иштираётган.

Фаргона чолғучилари ҳам ижрочилик маҳоратини фаол ўзлаштира бошлаганлар. Чолғучилар ансамблига Бухорода танбур ва доира, Хоразмда эса дутор, гижжак, бўламон, доира ёки танбур гармон, рубоб, доира ҳам кирган.

Фаргона ва Тошкент вилоятларида чолғучилар ансамллари 8-10 кишидан иборат бўлган. Ансамбллар най, қўшнай, чанг, рубоб, дутор, танбур, доира ва гижжак каби чолғулардан ташкил топган.

Тарихнинг далолат беришича XIX асрнинг охирига келиб ансамбллар бирмунча ривожланди, уларнинг асосий турлари шаклланди, ансамбллар таркибига янги чолғулар киритилган, чолғулар товушларини янада ёқимли қилиш, диапазонларини кенгайтириш ва ижро имкониятларини такомиллаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилган.

¹ Чолғу ижрочилиги тарихини қисқача ёритишда профессор А.Одиловнинг «Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи» (Т., «Ўқитувчи» 1995 й.) рисолида берилган материалларидан фойдаланилди.

XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида халқ муסיқачилари орасида устоз-шоғирдлик анъаналарининг ривож топиши, иқтидорли ёшларга ғамхўрлик қилиш, уларга муסיқа илмини ўргатиш натижасида Ўзбекистонда кўплаб моҳир созандалар етишиб чиққанлиги маълум. Жумладан, Бухоро ва Самарқандда Ота Гиёс Ғаниев, Ота Жалол Носиров, Леви Бобохонов, Ҳожи Абдурахмон Умаров каби танбурчилар, Қори Каромат, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов каби дуторчилар, Фаргона ва Тошкентда доирачи Уста Олим Комилов, ногорачи Юсуф қизик Шакаржонов, қўшнайлчилар Аҳмаджон Умрзоқов, Хайрулла Убайдуллаев, танбурчи Қўзижон Мадраҳимов, дуторчи Абдусоат Ваҳобов, найчи Абдуқодир Исмоилов, Хоразмда эса, танбурчилар Матпано ота Худойберганов, Матёқуб Ҳарратов, Қурбон Назар Абдуллаев (Бола-Бахши), Мадраҳим Ёқубов (Шерози)лар шинавандалар орасида машҳур бўлганлар.

Ўзбекистонда биринчи бор давлат тасарруфидаги ансамблнинг ташкил этилиши Муҳитдин Қори Ёқубов номи билан боғлиқ. Унинг ташкилотчилиги ва бевосита раҳбарлигида 1926 йил ўзбек муסיқа маданияти тарихида илк бор 21 ижрочидан иборат давлат ва сайёр концерт-этнографик труппаси ташкил этилди. Мазкур ансамблга Фаргона водийсининг ўша даврда машҳур бўлган уста чолғучилари, хонандалари, раққос ва раққосалари ишга таклиф этилган. Чолғучилар таркиби ансамблнинг энг нуфузли қисми бўлиб, ижодий жамоанинг ўзагини ташкил қилар эди. Ансамбл Юсуфжон қизик Шакаржонов (ноғора, раҳбар), Уста Олим Комилов (доира), Тўхтасин Жалилов (ғижжак), Аҳмаджон Умрзоқов (қўшнай), Абдуқодир Исмоилов (най), Ота Хўжа Сайдазимов (дутор), Хайит-охун (танбур), Муҳитдин Ҳожи (танбур), Мамат бобо (доира), Худойберди (сурнай), Мадаминжон Исҳоқов (бўламон) каби машҳур созандалардан ташкил топган эди. Бундай муסיқий-этнографик ансамблнинг ташкил бўлиши, унинг муваффақиятли концентлари ва кенг жамоатчилик орасида, оддий халқ ичида ҳурмат қозониши Ўзбекистонда миллий муסיқа санъатини чинакам ривожига катта туртки бўлди.

Таниқли созанда ва хонанда Юнус Ражабий 1927 йили Ўзбекистон радио қўмитаси қошида 12 чолғучидан иборат халқ чолғулари миллий ансамбли ташкил этади. Бу ансамблга Тошкентдаги ўша даврнинг машҳур муסיқачилари-қўшнайчи Хайрулла Убайдуллаев, дуторчилар Абдусоат Ваҳобов, Ориф Қосимов, танбурчилар Рихси Ражабов, Мақсудхўжа Юсупов, ғижжакчилар Имомжон Икромов, Наби Ҳасанов, Махмуд Юнусов, найчилар Дадали Соатқулов, Саид Калонов, чангчилар Нигматжон Дўстмуҳаммедов, Фаҳриддин Содиқов, Маматжон Расулов, доирачи Дадахўжа Соттиевлар жалб этилган эдилар.

Ансамбл репертуарида ўзбек халқ куйлари билан бир қаторда замонавий бастакорларнинг, жумладан Ю.Ражабийнинг «Чоргоҳ», «Кўчабоғи», «Баёт», «Бирлашингиз», «Илғор», «Мирзадавлат» каби асарлари бор эди. Кейинчалик бу ансамблда республиканинг машҳур хонандалари, тошкентлик мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, бухоролик Домла Ҳалим Ибодов, самарқандлик Ҳожи Абдурахмон Умаров, хоразмлик Матёқуб Ҳарратов, Сафо Муганний, тошкентлик Назира Аҳмедова каби таниқли санъаткорлар ишлаган.

Йиллар давомида ансамбл ўсди, ижрочилик репертуари бойиди, халқ эътиборини қозонди. Тез фурсатда ансамбл Ўзбекистоннинг энг яхши мусиқий жамоалари сафидан ўрин олганлиги мусиқа шинавандаларига яхши маълум.

1936 йили ташкил топган Ўзбек давлат филармонияси (директори Муҳитдин Қори Ёқубов, мусиқа раҳбари Тўхтасин Жалилов) қошида 98 ижрочидан иборат «Этнографик унисон ансамбли», 30 ижрочидан иборат дуторчи қизлар ансамбллари тузилади. Ансамблда кўплаб моҳир созандалар, санъат усталари фаолият кўрсатадилар, жамоанинг кўп йиллик ижодий фаолияти эса ўзбек мусиқа санъатини янада ривожланишига, уни кенг кўлабда тарғиб қиланишига самарали хизмат қилади. 1939 йилда эса найчи А.Исмоилов, кўйнайчи А.Ғарзонов ва чанги Ф.Содиқовлар Москвада ўтказилган халқ чолғулари ижрочилари Бутунитифоқ кўригида 2-даражали диплом билан тақдирланганлар.

Шундан кейинги йилларда Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси қошида кўплаб профессионал мусиқа жамоалари, вилоят ва туманларда, мактаблар, ўқув юртлар ва маданият уйларида ўнлаб, юзлаб чолғучилар ансамбллари ташкил этилди ва бутунда ҳам уларнинг кўплари самарали фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Улар: Ўзбек телерадио компанияси қошида Ю.Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли (раҳбари Абдуҳошим Исмоилов), М.Турғунбоева номидаги «Баҳор» халқ рақс ансамбли (раҳбари Маъмура Эргашева), филармония қошидаги «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли (раҳбари Қодир Мўминов), «Тановар» ансамбли (раҳбари Юлдуз Исматова), «Лазги» ашула ва рақс ансамбли (раҳбари Раҳматжон Қурбонов), болалар «Булбулча» ансамбли (раҳбари Шермат Ёрматов), Авиасозлар маданият саройи қошидаги «Парвоз» ансамбли (раҳбари Шарип Жанайдаров), Хоразм вилояти Богот туманидаги «Қалдирғоч» ансамбли (раҳбари Шермат Файзуллаев), Қорақалпоғистон филармонияси қошидаги «Айқулош» ансамбли, Бухоро вилоятидан «Зарафшон» ансамбли каби кўплаб ижодий жамоалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги санъатни, жумладан мусиқа санъатини янада эркин ва кенг ривожланиши учун, миллий

музикий қадриятларимизни тиклаш учун барча имкониятларни яратиб берди.

Бўлажак музика ўқитувчиларимиз олдида турган асосий вазифалардан бири ансамбл машғулоти жараёнида санъат сирларини янада чуқур ўрганиш, ижрочилик маҳоратини пухта эгаллаш ва айна пайтда санъат орқали ўқувчи ёшларнинг дунёқарашлари ва маънавиятларини ўстириш, улар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш, ўз ватанини севувчи, унинг равнақи учун астойдил хизмат қилувчи кишилар қилиб тарбиялаш сир-асрорларини пухта ўзлаштиришдан иборатдир.

ТУГАРАКНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.

Ансамбл французча «ensemble» сўздан олинган бўлиб, «Вокал ёки чолғу музикаси асарини бир неча ижрочи томонидан ижро этилиши» маъносини англатади².

Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамблини тузиш жараёнида раҳбар бир қатор ташкилий масалаларни ҳал қилиши лозим. Ансамбл жамоасини уюштириш икки асосий даврга, яъни тайёргарлик ишлари ва жамоани бутлаш (комплектлаш) учун ташкилий ишларни амалга ошириш даврларига бўлинади. Ўзбек халқ чолғу ансамбли таркибига кирувчиларга нисбатан қўйидаги талаблар қўйилади: иштирокчилар товушнинг балан-пастлигини ажрата билиш, эшитиш қобилияти, ритм туйғуси ва яхши хотирага эга бўлиши, музика санъатига ҳавасли, чолғу ансамбли жамоаси олдига қўйиладиган талабларга жавоб берадиган бўлиши керак.

Агар кирувчилар бирор чолғу асбобини чалишни билса, ёки бошланғич музика саводидан хабардор бўлса, раҳбар уларнинг мазкур билимларини аниқлайди ва шунга қараб келгусида чолғу ижрочиси бўйича алоҳида машғулотлар ташкил этиб боради.

Бу иштирокчиларни қабул қилингандан сўнг уларнинг имконият ва қобилиятларига қараб гуруҳларга бўлиниши эътиборда тутилади. Раҳбар ҳар бир гуруҳга дастур асосида машғулотлар белгилайди, қатнашувчиларнинг сонига қараб, ансамблнинг турини аниқлайди. Булар кичик, ўрта, катта таркибдаги ансамбллар ёки дутор, рубоб, камонли созлар ансамллари бўлиши мумкин.

Ансамбллар таркибида чолғу асбоблар тури ва ижрочи созандалар миқдори қўйидагича тавсия этилади:

² И.А.Акбаров «Музика лугати». Тошкент-1987 й. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

Ансамблининг таркиби		Ижрочи созандалар сони		
		Кичик ансамбл учун	Ўрта ансамбл учун	Катта ансамбл учун
1.	Най	1	1	1
2.	Қушнай	-	1	1
3.	Сурнай	-	-	1
4.	Карнай	-	-	1
5.	Гижжак	1	1	1
6.	Чанг	1	1	2
7.	Прима рубоби	1	1	2
8.	Қашгар рубоби	1	2	2
9.	Афгон рубоби	1	1	2
10.	Танбур	-	-	1
11.	Альт дутор	1	1	2
12.	Бас дутор	-	-	1
13.	Ногара	-	1	1
14.	Доира	1	1	2
Жами:		8	12	20

ДУТОРЧИЛАР АНСАМБЛИ

1. Дутор прима	- 2
2. Дутор секунда	- 2
3. Дутор альт	- 4
4. Дутор бас	- 1

Жами: 9

Аста-секин ансамблга чанг, қашгар рубоби, гижжак, доира ва бошқа чолғу асбобларини қўшиш мумкин.

ХОРАЗМ ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИ АНСАМБЛИ

1. Най	- 1
2. Балабон	- 1
3. Гармон	- 1
4. Чанг	- 1
5. Тор	- 1
6. Қашқар рубоб	- 1
7. Гижжак	- 1
8. Кичик ногара	- 1
9. Қайроқ	- 1
10. Доира	- 1

Жаъми: 10

Эслатма: Бу ансамбллардан ташқари, рубочилар ансамбли, чангчилар ансамбли, комончилар ансамблларини ҳам тузиш мумкин.

Ансамбл тўгарагининг дастлабки машғулотларини бошлаш олдидан тўгаракка ёзилган қатнашчиларнинг умумий йигилиши ўтказилади. Йигилишга ўқув юртининг бирон бир раҳбари таклиф этилади. Ансамбл жамоасининг мақсад ва вазифалари, иш тартиби, давомат ва интизом каби масалалар келишиб олинади. Энг муҳими, ансамбл раҳбари иштирокчилар билан ўтказиладиган биринчи учрашувга пухта тайёрланиши, уни мазмунли ва мароқли ўтказиш зарур.

Ансамбл раҳбари даставвал қатнашчиларга ансамбл ҳақида, ҳар бир чолғу сози ҳақида, машҳур созандалар ҳақида қизиқарли маълумотлар беради.

Биринчи дарсларда созда машқлар, оддий, таниш бўлган куйлардан парчалар чалиш билан бирга иштирокчилар томонидан мусиқа саводхонлигини ўзлаштириб боришга алоҳида эътибор берилади.

Ансамбл қатнашчиларининг ижро малакалари бир мунча ўсгандан сўнггина аста-секин кичик таркибдаги рубобчилар, дуторчилар унисон ансамблдан ташкил қилинади. Бу

иштирокчиларнинг ижро маҳоратларини ўстириб боришга, жамоа бўлиб чалиш малакаларини сингдириб боришга ёрдам беради.

Ансамблга аста-секин чанг, най, гижжак ва бошқа созлар ҳам қўшиб борилади. Раҳбар ўз олдига қўйган асосий мақсадга (жамоа бўлиб чалиш, ансамблни эшитиш, энг дастлабки талабларни ўзлаштириш ва б.) эриша боргач, бас гуруҳ созлари ҳам киритилди.

Ансамбл машгулотлари ҳафтада 2 марта ўтказилади. Бир машгулот жамоавий тарзда ўтказилса, иккинчиси ҳар бир созанда билан алоҳида-алоҳида (индивидуал тарзда) олиб борилади. Раҳбар ҳар бир иштирокчи билан алоҳида дарс ўтганда нота ўқиш, уларнинг ижрочилик маҳоратини ўстирувчи турли машқлар, гаммалар устида ишлайди, назарий билимларни мустаҳкамлайди. Ансамблда ўрганилаётган асарларни мураккаб бўлакларини ўзлаштириш, ифодали ижро этиш малакаларини сингдириш каби ишларни амалга оширади.

Берилган вазифалар тўлиқ ўзлаштирилгандан кейингина навбатдаги босқич вазифаларини бажаришга ўтилади. Ансамбл иштирокчилари алоҳида кундалик дафтар тутадилар. Раҳбар томонидан бериб бориладиган топшириқлар кундалик дафтарга ёзиб борилади ва уларнинг бажариб борилиши назоратга олинади.

АНСАМБЛДА СОЗ ЧАЛИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

Ансамблда ижро маҳоратини эгаллаш аввало ҳар бир чолғу созини тўғри тутиш, товуш чиқариш маданиятини ўзлаштириш, қўл ҳолати ва ижро ҳаракатларини тўғри шакллантириш, мақсадга мувофиқ тўғри ва эркин ўтиришни ўрганиш, ҳамда жамоавий ижро қоидаларига тўлиқ риоя этишликни назарда тутати.

Умумий талаблар:

- ижро пайтида гавдани шундай тутишингиз лозимки, токи у ижрочининг барча ҳаракатлари учун қулай ва ташқи кўриниши чиройли бўлсин;
- суянчиққа суялмасдан, ўриндиқнинг ярмисида ўтиринг;
- ижро этишдаги ҳолатингиз ҳар томонлама қулай бўлсин, гавда ҳолатини эркин тутинг;
- ўнг қўлнинг тўғри жойланишига, эркин ҳаракатда бўлишига эришинг;
- чап қўлнингиз соз дастасини сиқмасин (рубоб, авгон рубоби, соз, дутор созларида), қўл кафти дастага тегмасин, эркин бўлишига ҳаракат қилинг;
- чолғу дастаси чап қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари ўртасида жойлашади. Бармоқлар ҳолатига эътибор беринг: бош ва ўрта бармоқлар бир-бирининг тўғрисида бўлгани мақсадга мувофиқ.
- чертиб чалинадиган торли чолғулар ижросида бармоқлар икки парда бўлинмасининг ўртасида эмас, балки парданинг харрак йўналишидаги темир бўлинмасига тақаб қўйилади. Симлар эса бармоқларнинг тирноқ олди ёстиқчаси билан босилади.
- ҳар бир чолғу созида чалиш қоидаларига ҳам ана шундай тартибда риоя қилинади. Ижро учун қулай ва тўғри ҳолатни танлаш, қўлларни эркин тутиш, товуш чиқариш маданиятини тўғри ўзлаштириш ҳар бир соз ижроси учун умумий талаблар мазмунига киради.
- жамоа бўлиб ижро этганда баробар ва биргаликда ижро этишга эришинг. Чолғу созингизни товуши хаддан зиёд кучланмасин, ижро этишингиз ўзгалардан илдамлаб ҳам, ортида қолиб ҳам кетмасин. Жамоавий ижро бир хил ҳиссиёт билан, бир тану-бир жон бўлиб, бир хилда ижро этиш эканлигини ёдда тутинг.



1. ЧАНГ чалиш маҳоратини эгаллаш чолғу асбобининг тўғри ўрнатилиши, чанчининг ўтириши ва қўлларнинг тўғри ҳаракатига боғлиқ.

Чангни ўрнатиш – чалишдан аввал чангнинг махсус оёқчаларга, ўтирган ижрочининг тирсаклари баландлигида ўрнатилади, чангчи стул суянчигига суянмаслиги, шу билан бирга гавдани олдинга кўп эгиб юбормаслиги керак. Тепки механизмни ишлатиш унинг учун ўнг оёқ бироз олдинроққа чиқиб туради.

Қўлларнинг ҳолати – чангни чалишда ижрочининг қўллари эгилган бўлиб, чанг торлари унинг тирсакларидан пастда туриши керак. Қўлларнинг йигилган кафтлари бири-бирига қараган бўлиши лозим.



2.ГИЖЖАК ўтириб чалинади. Гижжакнинг сиччаси чап оёқнинг тиззага яқин жойига қўйилади. Унинг юқори қисми елкага яқинроқ ҳолда тутилади (аммо унга тегмайли). Чап қўл панжалари билан гижжак дастасидан ушланади. Бунда бош бармоқ дастанинг тагида, қолганлари бўлса, торлар устида туриши лозим. Ўнг қўл эса камон дастасини ушлаб, уни тор устида горизонтал ҳолатда ҳаракатлантиради. Шу ҳаракат натижасида торлардан товуш ҳосил бўлади.



3. ҚАШҚАР РУБОБИ ансамлда ўтириб чалинади. Қашқар рубоби косаси елка ва ўнг қўл билак пасти орасига жойлаштирилади. Бу вақтда ўнг қўл тирсаги биқинга ёпишиб турмаслиги лозим. Елка тўғри ва эркин тутилади. Рубоб дастаси эса чап қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари орасига жойлаштирилади, бу вақтда бармоқлар тор устида эркин ҳолатда туриши керак. Нохун ўнг қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоғи орасида сиқиб ушланади. Енгил букилган қўл панжаси эркин, ортиқча зўриқтирилмасдан торлар устида туради.



4. ДУТОР ансамблда дуторни ушлаган вақтда пастки ён қавургасини ўнг қўлининг тирсагига яқин билак билан қаттиқроқ ушлаш керак. Шунда дуторнинг қопқоғи юқори томонга озгина ёнбошлаши ва дутор дастасининг учи чап елка билан баравар бўлиши шарт.

Дуторнинг дастаси биринчи бармоқнинг катта бўғини билан ўрта бўғинини орасида туриши ва бармоқларнинг ҳамма бўғинлари букилган ҳолда пардалар устига келиши керак.



5. Ансамблда ДОИРА ўтириб чалинади. Доира чалганда бошни тўғри, елкани бўш тутиб, гоз ўтириш керак. Қўллар елкада тирсаккача ҳавол тутилиши, тирсаклар танага тегмаслиги лозим. Доирачи ансамблда ўтирганда рўпарадаги соз чалувчиларни кўриб туриши учун доирани ўзидан сал чапроққа тортиб ушлаши керак.

Ўнг қўл – бош бармоқ билан гардишнинг ташқи томонидан фараз қилинган ётиқ чизиқ диаметридан 3-4 см пастдан ушланади, қолган бармоқлар доира ёки унинг гардишига чертиш учун ҳоли бўлиши лозим.

Чап қўл – бош бармоқ гардишнинг ич томонидан, қолган тўрт бармоқ гардишнинг ташқи томонидан ушлайди ва чалишга шай бўлиб, ҳоли туриши лозим.

Доирадан чиқадиган товушни кучайтириш учун нохун ишлатилади. Нохунни кўпроқ ансамбл рақсларга жўр бўлганда ишлатилади. Қолган созлар ҳам соз тутиш ва ижро этиш қоидаларига риоя қилган ҳолда, ўзлаштириб борилади.



НАЙ



СОЗ



ДУТОР БАС



АВФОН РУБОБИ

ЧОЛГУЛАРНИ СОЗЛАШ

Чолгу асбобини бирор товуш манбаига, масалан, камертонга ёки тўғри созланган фортепианога созлаш тавсия этилади. Ансамблда эса чолгулар най ёки чанг асбобига созлангани маъқул. Торларни созлашда уларни жуда таранг қилиб тортиш тавсия қилинмайди. Симлар пўлатдан ишланган бўлса-да, тегишли ўртача баландликдан юқори созни кўтара олмаслиги мумкин. Дарс бошлашдан ёки концертга чиқишдан олдин ансамблдаги чолгу асбобларини тоза қилиб созлаш ва бутун ансамбл созини бир неча бор текшириб кўриш тавсия этилади.

Чолгу асбобларини аввал мусиқа раҳбарининг ўзи созлайди, кейинчалик эса у барча қатнашчиларни чолгуларни ўзлари созлашга ўргатабориш керак. Созларни созлашдан аввал, тор учун қўйилган харракнинг жойида турганлигини текшириш керак. Соз аввал очиқ торда товуш ҳосил қилиб, кейин эса 12 пардани босиб, эшитиб кўриш орқали текширилади. Агар товуш соф октава бўлса, харрак тўғри турган бўлади, торни босганда товуш октавадан баланд чиқса, харракни товуш хонасидан узоқлаштирилади. Торни босганда товуш октавадан паст садоланса, харрак товуш хонаси томонга сурилади. Барча торларда октава садоланиши текширилади. Харракни аниқ жойлаштиригандан сўнг биринчи торни «ля» товушига солаб, кейин эса қолган торлар соланади. Созлар якка тартибда солангач, ансамбл садоси бир неча бор эшитиб кўрилади.

ЧОЛГУЛАРНИ САҚЛАШ

Чолгу созларини яхши сақланиши аввало машғулот ўтказиладиган хонага боғлиқ. Ансамбл ўтадиган дарс хона кенг, ёруғ, ҳавоси тоза, ҳарорати мўътадил, акустикаси мақсадга мувофиқ бўлиши керак.

Ўқиш хонасида китоблар, ноталар, канифоль, чолгу созига керакли торлар, ансамблга керакли бўлган қўлланмаларни сақлайдиган шкаф, пульта ва мусиқа дарсини ўтказиш учун нота чизиги чизилган синф тахтаси бўлиши керак. Дарс хонаси созларининг аликатура

жадваллари, ҳаваскор ва профессионал ансамблларнинг, бастакорларнинг, таниқли созандаларнинг расмлари билан жиҳозлаб қўйилади. Муסיқа чолгуларини тоза ҳаво етарли даражада алмашиб турадиган хонада сақлаш керак. Асбоблар нам хонада тез ишдан чиқади. Чолгуларни хаддан ташқари иссиқ хонада сақлаш ҳам ярамайди. Чолгуларни яхши сақлаб туриш учун уларга яхши материалдан тикилган гилоф тикдириб, унга жойлаб қўйилган маъқул. Чолгулар ерда ётиб синиб қолмаслиги учун стилаж ёки шкаф ясаиб рубоб, дутор, гижжак, рубоб примага ўхшаш асбобларнинг дастасига ип тақиб қўйилади.

Ансамбл тўғрарига ансамбл қатнашчилари орасида раҳбарга ёрдамчи сифатида сардор сайланади. Сардор ансамбл раҳбарига кўмакчи бўла оладиган, фаол ташкилотчи, қобилиятли, интизомли ва тарбияли бўлиши керак.

Сардорнинг вазифаси ансамбл раҳбарига яқиндан ёрдам беришдир. У машгулотларни уюштиради, тартиб интизомни ва умумий давоматни назорат қилади. Машгулот хонасида созлар ўқув ва кўргазмали қуроолларнинг яхши сақланишини таъминлайди, раҳбарнинг ишларига ёрдам беради, раҳбар йўқлигида эса унинг вазифасини бажаради.



Ансамбл иштирокчилари

ЧОЛГУЧИЛАР АНСАМБЛИНИНГ ТАХМИНИЙ
ЖОЙЛАНИШИ



ДУГОРЧИЛАР АНСАМБЛИ



АНСАМБЛ РЕПЕРТУАРИНИ ТАНЛАШ

Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбллари учун репертуар масаласи алоҳида аҳамиятга молик. Бугунда ансамбл учун нашр этилган қўлланмалар етарли эмас. Кўп ҳолларда куйларни асбобларга мослаштиришни раҳбарнинг ўзи бажаради. Раҳбарнинг ансамбл тўгараги учун куйлар танлашдаги вазифаси ҳам масъулиятлидир. Ўргатиладиган куйлар гоёвий-бадий жиҳатдан юксак, мазмунан қизиқарли ва ранг-баранг бўлиши керак.

Ансамбл репертуарига классик мусиқа намуналаридан ҳам киритиш ижрочиларнинг билим савиясини кенгайтиради. Янги тузилган ансамбллар дастлабки пайтларда, албатта, ҳали етарли ижрочилик маҳоратига эга бўлмайдилар. Шунинг учун мураккаб асарлар устида жамоа билан ишлашнинг иложи бўлмайди. Бундай ҳолда ансамбл раҳбари созандаларнинг ижрочилик имкониятларини, ансамбл таркибининг ҳисобга олиб оддийроқ куйлар, масалан, ўзбек халқ куйларидан «Андижон полькаси», «Қашқарча», «Жонон», «Уфори», халқ кўшиқларидан «Чаманда гул», «Том бошида турган қиз», «Яллама ёрим», «Ватан меҳри» (Ф.Назаров), «Меҳмонга келинг» (С.Хайитбоев), қорақалпоқ халқ ашулалари «Бибигул», «Арухон», белорус халқ кўшиги «Савка ва Гришка», украин халқ кўшиги «Ой джигуне, джигуне», уйгур халқ кўшиги «Отуш», «Гулёр», рус халқ кўшиги «Во поле береза стояла», «Над полями над горами» каби асарларни ансамблга мослаштириб бериш мумкин.

Ансамбл репертуарига аста-секин ижро учун бирмунча мураккаблашган М.Левиевнинг «Гайратли қиз», С.Йўлдошевнинг «Ором», М.Мирзаевнинг «Янги танавор» каби асарлар киритиб борилади.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИ АНСАМБЛИ
РЕПЕРТУАРИГА КИРИТИЛАДИГАН АСАРЛАРНИНГ
ТАХМИНИЙ РЎЙХАТИ

Кичик гуруҳлар учун

I. Ўзбек халқ куйлари:

1. "Оқ теракми кўк терак"
2. "Қашқарча"
3. "Андижон полькаси"
4. "Болвужон"
5. "Уфори"
6. "Яллама ёрим"
7. "Қойилман"
8. "Қари-наво"

II. Чолғулар ва ансамбл учун ёзилган асарлар

1. М.Мирзаев – "Баҳор вальси"
2. Ўзбек халқ куйи. –
3. "Жамолинг соғиниб"
4. Ғ.Рўзибоев – "Феруза"
5. М.Мирзаев – "Завқим келур"
6. М.Ниёзов – "Раъно ўйнасин"
7. М.Мирзаев – "Дутор баёти"
8. М.Левиёв – "Ғайратли қиз"
9. С.Ўлдошев – "Ором"
10. М.Мирзаев – "Гулшан"
11. М.Мирзаев – "Уйғур қизига"
12. Ўзбек халқ куйи – "Танавор"

Катта гуруҳлар учун

1. М.Бурхонов - Ўзбекистон
Республикаси Давлат мадҳияси
2. Б.Алиев – "Оқ олтин"
3. Ўзбек халқ куйи – "Муножат"

4. Б.Алиев – "Баҳор гунчалари"
5. М.Мирзаев – "Дил куйи"
6. Тожик халқ куйи – "Дугоналар"
7. Р.Турсунов – "Қарши қизлари"
8. М.Мирзаев – "Уйгур қизига"
9. М.Мирзаев – "Маргилон қизлари"
10. Ўзбек халқ куйи – "Оромижон"
11. А.Муҳамедов – "Роҳат"
12. Тожик халқ куйи – "Гардуни сегоҳ"
13. С.Норқулов – "Норгул"

АНСАМБЛ ВА ОВОЗ УЧУН

1. М.Ашрафий – "Йўлларим"
2. М.Бурхонов – "Ватан"
3. Х.Раҳимов – "Севимли ёрим"
4. С.Юдаков – "Ўзбекистон"
5. Ҳ.Хасанов – "Сўлим диёр"
6. Г.Халиков – "Маргилон"
7. Х.Изомов – "Зангори кема капитанлари"
8. Ф.Назаров – "Ишчи қизлар вальси"
9. Б.Комилов – "Гулларим"
10. Қ.Мамиров – "Уйгоқ туйгулар"
11. Қ.Мамиров – "Севги"
12. К.Жабборов – "Тошкент пиёласи" ва бошқалар.

Бу асарларни ансамбл тўғарагида ижро қилишда, солист сифатида профессионал чолғучи ва хонандалар таклиф қилиш мумкин. Ансамбл раҳбари репертуарга шунингдек, ўзбек халқ классик куйлари, қардош халқлар куйлари ва кўшиқларидан киритиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т., Ўзбекистон, 1994.
2. Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлири фаолиятини яхшилаш тўғрисида: Ўзбекистон Президентининг Фармони. – 1997 (Ғулистон. – № 2)
3. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонуни. "Халқ сўзи", 1997 йил 30 сентябрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш миллий дастури Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори Т., 1997 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида" 1997 й. 6 октябрь.
6. Азимов К. Методика работы с самодеятельным оркестром узбекских народных инструментов. Ташкент, изд. Гафура Гуляма 1988 г.
7. Зафарий Г. Ўзбек мусиқаси тўғрисида. Нафосат. – 1992
8. № 7-8.
9. Вызго Т. Музыкальные инструменты Средней Азии. Исторические очерки. Издательство "Музыка" Москва 1980
10. Иброҳимов О. "Мақом ва макон" Т., 1996
11. Левиев А. Халқ чолғу асбоблари ансамбли учун пьесалар. Тошкент, "Ўқитувчи" – 1974 й.
12. Левиев А. Рубоб оркестори ташкил қилиш методикаси. Тошкент "Ўқитувчи" 1978 й.
13. Левиев А. Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрлари. Тошкент "Ўқитувчи" – 1971 й.
14. Методика обучения и исполнительства на узбекских народных музыкальных инструментах. Составитель Ф.Н.Васильев. Ташкент, изд. "Ўқитувчи" 1995 г.
15. Нурматов Ҳ. Рубоб дарслиги Т., «Ўқитувчи» 1993

16. Одилов А. Ўзбек халқ чолғу асбобларида ижрочилик тарихи. Тошкент. Изд. "Ўқитувчи". 1995 йил.
17. Петросянц А. Инструментоведение. Доп. 3-изд. Ташкент "Ўқитувчи" 1990 г.
18. Ражабов И. Мақом асослари (Маърузалар матни). Т., 1992
19. Расултоев Ж. Ўзбек дутор ижрочилиги. Тошкент, "Ўқитувчи". 1997 йил.
20. Тахалов С. Апликатура и позиции на узбекских народных шипково-плекторных инструментах Ташкент "Ўқитувчи" 1970 г.
21. Усмонов Ж. Ёш гижжакчи. Т., 1995
22. Усмонов К. Бошланғич рубоб дарслиги (2-нашр). Т., 1995.
23. Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Т., 1993
24. Хидиров Ф. Фольклор ансамбли Т., 1993
25. Гани И. Фитрат ва мусиқа. Гулистон. – 1994 № 5.

Яллама ёрим

Тез

Ўзбек халқ куйи.

Musical score for 'Яллама ёрим' in 2/4 time. The score consists of five staves of music. The first staff begins with a dynamic marking of *f*. The second staff has a dynamic marking of *p*. The third staff has a dynamic marking of *mf*. The fourth staff has a dynamic marking of *p*. The fifth staff ends with a dynamic marking of *mf* and a crescendo hairpin.

Андижон полькаси

Шўхчан

Ўзбек халқ куйи.

Musical score for 'Андижон полькаси' in 2/4 time. The score consists of six staves of music. The first staff has a dynamic marking of *f*. The second staff has dynamic markings of *f* and *p*. The third staff has a dynamic marking of *mf*. The fourth staff has first and second endings marked '1.' and '2.'. The fifth staff has a dynamic marking of *f*. The sixth staff has a dynamic marking of *f* and an accent (>).

Баҳор вальси

Ўртача тез

М. Мирзаев мусиқаси

mf

f

V



f

Ғайратли қиз

М.Левиев муסיқаси

Тез

The musical score is written for a single melodic line in 6/8 time, key of B-flat major. It consists of eight staves of music. The first staff begins with a treble clef, a key signature of one flat, and a 6/8 time signature. The tempo is marked 'Тез' (Fast). The first staff starts with a forte (*f*) dynamic. The second staff contains a repeat sign. The third staff ends with a double bar line and repeat dots. The fourth staff begins with a mezzo-forte (*mf*) dynamic and features a crescendo hairpin that leads to a forte (*f*) dynamic. The fifth staff continues the melodic line. The sixth staff begins with a repeat sign. The seventh staff ends with a forte (*f*) dynamic. The eighth staff concludes the piece with a final cadence.




Янги тановар

Тез

М. Мирзаев мусиқаси

The musical score is written in treble clef, 2/4 time, with a key signature of one sharp (F#). It consists of eight staves of music. The first staff begins with a dynamic marking of *mf* and a repeat sign. The second staff continues the melody. The third staff has a *mf* dynamic marking. The fourth staff is heavily obscured by a large, dark smudge. The fifth staff continues the melody. The sixth staff has a repeat sign. The seventh staff has a repeat sign. The eighth staff concludes the piece.



Хоразм лазгиси

Ҳ. Нурматов

НОТАГА ОЛГАН.

Ўртага тез

f

тез

f

p *f*

36
Феруза

Ғ. Рўзибоев мусиқаси

Ўртача тез

The musical score is written for a single melodic line in 6/8 time. It begins with a *mf* dynamic and includes several dynamic changes to *f* and back to *mf*. The piece features repeat signs and first/second endings. The first ending leads back to an earlier section, while the second ending concludes the piece. The tempo is marked as 'Ўртача тез' (Moderato).

Завқим келур

Ўргача тез

М. Мирзаев муסיқаси

